



СССР ЎЗБЕКISTONИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН.

23 май 1971 йил, якшанба

№ 116 (14. 986).

Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА

СЪЕЗД, БЕШ ЙИЛЛИК ВА ЧОРВАДОР



Холбиби ХУДОЙБЕРДИЕВА,

Сирдарё область Бойвут районидagi 3-«Бойвут» совхозни сугир соғувчиси,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

«СОВЕТ ЎЗБЕКISTONИ» АНКЕТАСИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

1. КПСС XXIV съезди ҳақидаги таассуротларингизни сўзлаб берсангиз.

Партиянинг XXIV съезди ҳужжатларини ўқиган ҳар бир касб эгаси, уни ҳақли равишда мамлакатимизда коммунистик жамият қуришнинг жанговар программаси деб атайди. Съезд ҳужжатларида ўтган беш йилликда совет халқи қилган қаҳрамонона меҳнатга юксак баҳо берилиб, гина қолмасдан, янги беш йилликдаги вазифалар ҳам белгилаб берилган. Мисол учун менинг касбимга доир чорвачилик соҳасини олиб кўрайлик.

Қишлоқ хўжалигининг чорвачилигини янада юксалтириш каби жуда муҳим проблемаси ҳам олдинда гоят кескин бўлиб турибди, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ҳисобот докладыда, — аҳолининг энг қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, совет кишиларининг ана шундай маҳсулотларга бўлган ўсиб бораётган талабини қондириш учун янги беш йилликда бу соҳада олға томон қатъи ақл ташлашни лозим.

Бунда қолғоз ва совхозлар иқтиёридаги резервларни янада тўлроқ ишга солиш ҳам зарур.

Биз чорвадорлар учун бундан муҳим вазифа йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки партиянинг Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев чорвадорларнинг дилидаги гапларни ўртага ташлади, чорвачиликни тараққий эттириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун озуқа базасини мустаҳкамлаш, ўтлоқлар ва эйлавларни яхшилаш, улардан янада тўлроқ фойдаланиш, пичан, ўт талқон ва хашак, силос ва бошқа ширалы емлар тайёрлаш, ҳамма озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини ошириш зарурлигини ўқтирди. Съезд қўйган вазифаларни жанговар программа деб билимиз.

2. Совхозингиз чорва маҳсулотлари тайёрлаш планларини қандай бақарди, унга сиз нечоғли ҳисса қўшдингиз?

Бу саволга қониқарли жавоб бериш учун гапни солиштирма рақамлардан бошламан. Утган беш йилликнинг боши — 1966 йилда совхозимиз бўйича 857 тонна сўт тайёрланган. Бўлса, 1970 йилда 1385 тонна сўт тайёрланди. Бунга сугирлар сонини кўпайтириш, ҳар беш сугирдан соғиб олинадиган сўт миқдорини ошириш йўли билан эришдик. Чорвачилик ҳўжаликни 50 минг сўм от-роғида соф фойда келтирляпти.

Энди сугирлар маҳсулдорлигининг ошишини олиб кўрайлик. 1966 йилда ҳар беш сугирдан 1827 литрдан сўт соғиб олинган бўлса, 1970 йилга келиб, бу рақам 2610 литрга етди. Совхозимиз ўтган беш йилликда давлатга чорва маҳсулотлари, хусусан сўт етказиб бериш топириқларини ошириб адо этди. Шу даврда халқимизга планде кўзда тутилганидан 1480 тонна кўп сўт етказиб берилди.

Узимнинг феолизатим ҳақида икки оғиз сўз айтман. 22 беш сугирим бор. Беш йиллик бошида ҳар беш сугирдан 2100 литрдан сўт соғиб олган эдим. Беш йиллик охирига келиб ўша сугирларнинг ҳар бешидан 3207 литрдан сўт олдим. Давлатга сўт топириш планларини йилма-йил ошириб бақардим.

Кўриниб турибдики, ютуқларимиз катта, уни биздан биров тортиб ололмайди. Лекин халқ талаби, давлат эҳтиёжи ҳиссбсг олинадиган бўлса, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш борасида ҳали жуда кўп иш қилишимиз керак. Съездеда маҳсала шундай кўйилди. Икки йилларимизни чамалаб кўрдик, шунга асосланиб 1971 йил учун социалистик мажбурият қабул қилдик. Совхозимиз янги беш йилликнинг биринчи даврасида камида 1480 тонна сўт тайёрлайди. Ҳар беш сугирдан 3 минг литрдан сўт соғиб олинади. Узимнинг шахсий мажбуриятим кўйдагича: боқимимдаги ҳар беш сугирдан 4 минг литрдан сўт оламиз. Беш йиллик мобайнида ўзинчи синфини битирган қизлар ва йигитлардан 20 та шоғирд тайёрлайман. Бу йил совхозимиз бўйича чорвачиликдан 100 минг сўм соф фойда оламиз.

3. Съездеда чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаш масаласига катта аҳамият берилди. Шу хусусда ўз хўжалигингиз мисолида нималар дейсиз?

Хозирги замон чорвачилигини мустаҳкам озуқа базаси, механизация, химизацияга таянган ҳолдагина тасаввур этиш мумкин. Халқимизда «озик-от — ҳоримас» деган мақол бор. Озуқа базаси қанча мустаҳкам бўлса, чорвадорнинг иши шунча ўнгидан келаверади. Шунинг учун ҳам биз бу масалага биринчи даражали вазифа деб қараётимиз. Сўзимнинг исботи учун мисол келтирайман.

Беда майдонини йил сайин кенгайтириб, ҳосилдорлигини оширялмиз. 1966 йилда 1940 тонна беда пичани тайёрланган бўлса, 1970 йилда 2757 тонна беда пичани тайёрланди. Бу йил 3 минг тонна сенаж тайёрлаймиз. Шу даврда маккажўхори силоси бостириш ҳар йили ўртача 2 минг тонна кўпайтирилди. Бу йил съезд қарорларни асосида озуқа базасини мустаҳкамлаш соҳасида катта ишлар қилинляпти. 230 гектар майдонда маккажўхори ўстирялмиз, 213 гектар ерга эса маккажўхори билан бедани алаштириб эканмиз. 45 гектар майдонда лавлагимиз бор. Ҳар қандай шaroитда ҳам 10 минг тонна силос бостирамиз. Бу эса келгуси кишлоқни бехатар ўтказиш, маҳсулот етиштиришни ойма-ой кўпайтириб бориш имкониятини беради.

Йил чорвачилик учун ҳар хил — гоҳ серёғин, гоҳ камёғин келди. Ҳар икки ҳолда ҳам етарли миқдорда озуқа етхтёб фондига эга бўлишимиз лозим. Бу борада сенаж чорвадорларга айна

кўп келяпти. Биз ҳар йили бедани олти марта ўриб олишга аҳд қилдик. Беш ўримдаги беданинг намини қочириб, барги ва гулини тўқмай сенаж қиламиз, олтинчи ўримдаги бедани кўк ҳолида сугирларга едирамиз. Шу йил билан ҳар гектар майдондан 150 центнерга етказиб беда пичани олиш учун курашляпмиз. Мен сугирлар сўти ва сўт таркибидagi мойни камайтирмаган ҳолда ем-хашакни тежашга эришган молбоқарлар, бузоқ-боқарлар, сугир соғувчиларни ҳамма жойда рағбатлантириш фурсати етди деб ҳисобляман.

4. Сизнингча тўёқ сонини кўпайтириш учун нималар қилиш керак?


Бу жуда муҳим масала. Кўп жойларда сугирлар, қўйлар, чўчаларни кўпайтиришда ажойиб муваффақиятларга эришляпти. Лекин умуман олганда қорамоллар, йилқилар сони кўзда тутилганча бўлмаяпти. Бунга сабаб шуки, айрим ҳолларда урғочи чорва молларни кисир қолляпти, гўштига сўйиб юборляпти. наслини яхшилашга етарли аҳамият берилмаяпти. Айнан шундай аҳвол бизда ҳам рўй берди. Масалан, 1966 йилда ҳар 100 беш сугирдан 80 тadan бузоқ олдик, 1970 йилга келиб бузоқлар сонини 87 бошга етказдик. Кўрдингизми, атиги 7 бошдан кўпайди. Бу йил ҳар 100 беш сугирдан 90 тadan бузоқ олишимиз кўзда тутияпти. Менимча энди ҳар 100 беш сугирдан камида 100-105 беш бузоқ олиш масаласини кун тартибига кўймоғимиз керак. Бунинг учун зоотехниклар, ветеринария врачлари ва бошқа мухассисларнинг роли ва масъулиятини ошириш зарур. Ундан ташқари жайдар сугирларни зотдор сугир даражасига кўтариш билан шуғуллашимиз керак.

5. Чорвачилик соҳасидаги ишларни комплекс механизациялаш борасида қандай тақлифларингиз бор?

Республикамизнинг дондор сугир соғувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Чудная бу масалада жуда қимматли фикрларни айтди. Мен унинг сўзларини тўла маъқуллаяман. Съезд қарорлари асосида бундан кейин ҳам чорва моллар сони кўпайтирилади, маҳсулдорлиги оширилади, чорвачилик комплекслари қурилади. Шундан экан, чорвачилик соҳасидаги ҳамма огир меҳнат талаб қиладиган ишларни машиналар гарданига ортишимиз керак. Афсуски, кўп жойларда шундай қилинмаяпти. Катта маблағ сарфланиб ҳарид қилинган сўт соғим, ем-хашак тайёрлаш агрегатлари ўрнатилмасдан бекор турибди. Айни бир вақтда кўп кучи ишталляпти. Қоллоқлар ва совхозларнинг раҳбарлари, фермаларнинг ходимлари, механизатор кадрлардан ана шу машиналар ва агрегатларни тезда ишга туширишни талаб қилиш керак. Бу ишда коммунистлар авангардлик ролини ўйнашлари лозим. Биз сугирларни «Тандем» ва «Линейный» агрегатлари ёрдамида соғьямиз Натижада сўт миқдори кўпайляпти, маҳсулот таннархи эрзонга тушляпти. Совхозимиз бўйича ҳар центнер сўтнинг таннархи йилма-йил 20-25 процент камайтирялляпти.

Пахта териш машиналарининг механик ҳайдоқчилари тайёрлашга катта аҳамият берилляпти. Бунга табриқлаш керак. Айни пайтда шу методни чорвачилик бўйича механизатор кадрлар тайёрлашга ҳам кенг жорий этиш лозим. Сабаби, кўп жойларда малакали механизатор кадрлар етишмаслиги туфайли машиналар ва агрегатлар б бутунлай ишлатилмаяпти, ёки ишлатилган жойларда кутилганча самара бермаяпти. Бундай ҳолларга қатъий чек қўйиш вақти келди.

Сугир соғувчилар орасида социалистик мусобақа қилишляпмиз керак. Ишдан ибрат олса, тажрибачилик ўрганса лозийдаги маънаф сугир соғувчиларимиз кўп. Уларнинг иш услубини кўнг билан ўрганилиш, биримиз биримизга ўстоз, биримиз биримизга шоғирд бўляпмиз. Янги беш йилликнинг юки огир, манзили олис. Ҳамма бир жон, бир тан бўлиб ҳаракат қилса, юк осон кўчади, манзил тез етилади. Фермаимизда Расима Галиева Меҳри Отабоева, Икбол Жўраева, Анна Кириченко, Зулфия Азимова каби меҳнатсевар сугир соғувчилар жонболли кўрсатиб ишляпляпти. Молбоқар, бузоқбоқарларимиз, ем-хашак тайёрлаш бригадаларининг аъзолари ҳам пешана тери тўқиб меҳнат қилляпляпти. Ҳаммамиз астойдил меҳнат қилиб, 1971 йилда сўт, гўшт ва бошқа хил чорва маҳсулотлари тайёрлаш планларини ошириб бақарамиз.



Ташкент область Ойқўрғон районидagi «Москва» колхозининг пахтакорлари бу йил Ва-танга 1800 тонна «он олтин», 2300 тонна наюл пояси сотишга беш боғлашган. Колхознинг И. Туракулов бошчилигидаги эвено дала-ларда ниҳоллар яхши ўсмон-ди. Суратда: эвено бошлиги И. Туракулов (чапда) ва колхоз парт-орги К. Олтоев.

К. Розиков фотоси,
(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИГА ЯНГИ ЖАНГОВАР АВИАЦИЯ ТЕХНИКАСИ КЎРСАТИЛДИ

Партия ва ҳукумат раҳбарлари Л. И. Брежнев, А. Н. Коси-гин, Н. В. Подгорный, Д. Ф. Устинов ўртоқлар 1971 йил 21 майда СССР Мудофаа министр-лигининг полигонларидан бири-да жанговар самолётлар ва вер-толёتلарнинг янги намуналарини кўздан кечирдилар.

Янги қирувчи самолётлар, ҳа-во ҳужумидан мудофаа қилу-чи ва дўшман самолётларининг йўлини тўсувчи самолётлар, то-вушдан тез учадиган зарбдор бомбардирмончи ва ракета та-шувчи самолётлар, жанговар вертолётлар, шунингдек ҳарбий транспорт авиациясининг само-лётлари ва вертолётлари кўрсати-лди.

Ҳарбий ҳаво кучларининг учувчилари янги нусхадаги са-молёт ва вертолётларни учи-риш, уларнинг жанговар хусу-сиятларини намоён қилдилад ҳамда ўзларининг юксак дара-жадаги жанговар ва учувчилик маҳоратларини кўрсатдилар.

СССР мудофаа министри ўр-тоқ А. А. Гречко, ҳарбий ҳаво кучларининг бош қўмондони, авиация маршали ўртоқ П. С.

Кутахов, авиация санoати ми-нистри ўртоқ П. В. Деметев ҳамда самолётлар, вертолётлар-нинг ва авиация қурол-яроғла-рининг бош конструкторлари изох бериб турдилар.

Айни вақтда П. В. Деметев ва П. С. Кутахов ўртоқлар авиация ҳарбий техникасини ривожлантириш истиқболлари-ни таъкидлаб бердилар.

Авиация техникаси кўздан кечирилгандан кейин партия ва ҳукумат раҳбарлари самолёт-ларнинг жанговар сифатларини намоён қилишда қатнашган учувчилар билан учрашдилар.

Провордига КПСС Марка-зий Комитетининг Бош секре-тари ўртоқ Л. И. Брежнев янги жанговар авиация техникасини яратиш ва ўзлаштириш соҳаси-да қилинган ишлар учун авиация санoати ходимларига ва ҳарбий ҳаво кучларининг шахсий составига миннатдорчилик бил-дирди ҳамда Ватанимиз мудо-фаа қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасида КПСС XXIV съезди қўйган вазифаларни амалга оширишда уларга янги мува-ффақиятлар тилади.

ФАРҒОНА ПИЛАСИ

Фаргона областининг хўжалик-лари янги пилла ҳосилини топи-ришга киришдилар. Ўзбекистон раёонидagi «Комсомола» совхоз-иқалов номли бўлимининг пилла-чилари қабул пунктига биринчи бўлиб пилла топширдилар. Қу-миш иш усталари ипак куртин-гошт қисқа муддатда — уч қаф-та иккида бокб, юкори ҳосил олдилар. Йиллик планда кўрсати-лган 8,9 тонна ўринга улар ҳозир 11,8 тонна аёло сифатли хом ашё топширдилар. Илгор эвено бошчиларидан С. Нормо-това, Д. Собирова ҳар бир кўти курт уруғидан 100—110 кило-граммдан пилла олдилар.

Фаргона областининг қолғоз ва совхозлари беш йилликнинг би-ринчи йилида давлат қабул пунк-тига тўрт ярм минг тонналик пилла карвонини етказиб беради-лар.

ЯНГИ БЕТОН ЗАВОДЛАРИ

Ташкент область Юқори Чир-чик районидagi Свердлов ном-ли колхознинг бетон заводи дастлабки маҳсулотни берди.

Бу колхозда бетонга эхтёж жуда катта. Тўққизинчи беш йил-лигининг биринчи йилида қири-лишга бир миллион сўмдан ор-тиқ маблағ ажратилган.

Юқори Чирчик районидagi «По-литотдела», «Правда» «Ленински-й» колхозларида ва бошқа йирчи хўжаликларда ҳам бетон заводлари қурилган. Беш йил-лик охирига бориб Ташкент об-ластининг барча колхозларида шундай заводлар бўлади.

МЕҲМОНДУСТ ЎЗБЕК ДИЁРИДА

Канада Бош министри П. Э. ТРЮДО Ташкентга келди

Ўзбекистон пойтахти 22 майда Совет ҳукуматиинг тақлифига биноан расмий визит билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Канада Бош министри Пьер Эллиот Трюдо шунда кутиб олдди.

П. Э. Трюдо ва унинг рафиқаси билан бирга парламент аъзолари Барнет Ж. Дапсон, доктор Стенли Хайдаш, Уолтер Дикон, тақши ишлар министрининг биринчи ўринбосари А. Э. Ричи, санoат ва савдо министрининг ўринбосари Ж. Х. Уоррен, бош министр кабинетини секретарининг ўринбосари Маршалл А. Кроув ва канадалик бош-қа меҳмонлар ҳам Ташкентга келишди.

Айни вақтда Канада Бош министрининг Совет Иттифоқи, бўйлаб қилаётган сафарига унга ҳамроҳ бўлган СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, СССР тақши ишлар министрининг ўринбосари С. П. Козирев, СССРнинг Канададаги элчиси В. П. Мирошниченко ва бошқа расмий совет кишилари Ташкентга келишди.

Ташкент аэропортини пешонига Канада, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқ-лари тикланган эди. Шаҳар меҳнат-кашларининг вакиллари ана шу байроқларга ўқшаш байроқчалар-

ни кўтаришиб аэропортга келиш-ди. Транспарантларга Канада Бош министри, Совет — Канада дўст-лиги шарафига табрик сўзлари ёзлган эди.

Аэропортда ҳурматли меҳмонни Ўзбекистон ССР Министрлар Со-ветининг Раиси Н. Ж. Худойбер-диев рафиқаси билан, республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров,

Ўзбекистон ССР Министрлар Со-вети Раисининг ўринбосари, тақши ишлар министри М. Т. Турсунов рафиқаси билан, республика Ми-нистрлар Совети Раисининг ўри-нбосари С. К. Зиядуллаев, И. В. Марцинюк, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг пре-зиденти О. С. Содиков, рес-публика министрлари Г. Абду-рахмонов, К. С. Зоиров, В. Му-роджўаев, Х. М. Носиров, В. С.

Содиқова, Э. Т. Шайхов, Ташкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. Асоев ва республиканинг бош-қа раҳбар ходимлари кутиб олди-лар.

Болалар меҳмонларга гулдаста-лар тақдим эттишди.

Канада Бош министри аэропорт-дан ўзи учун ажратилган резиден-цияга жўнаб кетди.

Канада Бош министри Пьер Эллиот Трюдо Ташкентга келган-



дан кейин сад вақт ўтгач Ўзбеки-стон ССР Министрлар Совети Раи-си Н. Ж. Худойбердиев ҳузурда бўлди.

Ана шу визит вақтида дўстона суҳбат бўлди. Бу суҳбатда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров, республика Ми-нистрлар Совети Раисининг ўри-нбосари, тақши ишлар министри М. Т. Турсунов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. К. Зиядуллаев, И. В. Марцинюк, А. Р. Хўжаев ва бошқа расмий кишилар қатнашди-лар. Канада томонидан Бош ми-нистрнинг Совет Иттифоқи бўйлаб қилаётган сафарига унга ҳамроҳ бўлган кишилар ҳозир бўлдилар.

Пьер Эллиот Трюдо 22 май кечкурун ҳамроҳлари билан бирга «А. Навоий» номли те-атрда «Севги тумори» балетини томоша қилди. Бу ерда ҳурматли меҳмон билан бирга Ўзбекистон ССР ҳукуматиинг аъзолари ҳам бор эди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКISTON ССР ОЛИИ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Партия, хўжалик органларида кўп йиллар самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил бўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР гўшт ва сўт санoати министрининг ўринбосари Петр Васильевич Состриков Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий эрлиги билан муко-фотланди.

ЎЗБЕКISTON КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКISTON ССР ОЛИИ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ЎЗБЕКISTON ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ ТУРКИСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ ҲАРБИЙ КЕНГАШИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг Ҳарбий кенгаши чуқур қаёу билан шунга маълум қилдиларки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи Ҳарбий кенгашининг аъзоси — Сийсий бошқармасининг бошлиғи генерал-майор Афанасий Георгиевич КОЧУБЕЕВ узоқ давом этган огир бе-тобликдан кейин 1971 йил 22 майда 54 ёшида вафот этди.

Икки то-
расида эса-
ртиб, энгакпа-
м чуда қозин
ир-бирига йи-
гарк бўлди —
йирқин бах-
лача Нахмид-
ани дала теле-
уртоқ майор! —
дак бир бўли-
қолса, лой ва
— Шунчақами? Ҳали ҳақ гайимамис, савил жоним га-
мидама дент? Қани, бораверин, кейин гаплашамиз!
Булутойб боз бўлиб кимирламади. Зухра опа бошқа
парво қилмай, ғригадилар билан бошлаган гапиди да-
вом эттираверди,
— Шунчақ буниси, эгичнслрлар сел оқиниб келган тош-
лардан тозаласин. Эқини юриб кетилган жойларни бош-
қатлаб өтасин...
Булутойб жамоа раисининг сўзинга қўшилмади:
— Бошқатдақ анб овор бўлишининг кераги йўқ. Бу
табий офат ҳукумат ҳисобидан учиб кетаверади.
Булутойбнинг сўзини Ўқирамин қуватавди:
— Бу йилча шудай қолса-ю, беда сепиб юбурсақ,
планга етмаган пахтайи келгени йла қўшиб берсан.
— Тўппа-тўғри! Келаси йил кўпроқ берамиз пахтайи,
Зухра опа Булутойбнинг дамини шартта кесди.
— Йўқ! Жоинчи! ҳазури деб ҳукуматини, ҳақви, яъни
Ўзимизни алдоламизни. Гал тамом!
Булутойбнинг тақлифидан Ҳанжикожнинг ҳам аччиғи
чиқиб турганди. У ҳам бир ташлаб қолай дедю, яна
Ҳанин босди.
— Тўппа-тўғри! Келаси йил кўпроқ берамиз пахтайи,
дент? — Булутойб, ўсмоқчилаб суради.
Зухра опа Булутойбнинг дамини шартта кесди.
Юзи аламдан буришиб кетди.
— Ҳа, йўли йўқ. Ассосий йўл — битта, ақамиз!
Зухра опа мажлисини епди-да, стол устидаги қозғоларни
йиғиштирди. Чикиб кетатуриб, районга ёзилган хат-
га қўл қўйди. «Дарҳол буни райкомга, ўртоқ Сардоровга
етказинг», деб Қокраминининг қўлига тутди. Кейин Ҳа-
нимжонга қаради:

